

**ИНСТИТУТИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШ ТАРИХИГА ДОИР АЙРИМ
МАЪЛУМОТЛАР (1959 ЙИЛДАН ҲОЗИРГИ КУНГА ҚАДАР)**

Абдуқаххоров Сарварбек Абдусамат ўғли

ИИВ Академияси Жиноят ҳуқуқи кафедраси катта ўқитувчиси

Дунёда ҳозирги вақтда мавжуд бўлган ҳар қандай ҳодиса ёки ижтимоий воқелик тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиш учун, аввало, унинг тарихини билиш лозим. Шунинг учун ҳам ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлаш институти ва ушбу соҳадаги муаммолар ҳақида сўз юритишдан олдин унинг ўтмишини тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу орқали биз нафақат мазкур институт тўғрисида тўлиқ маълумотга, балки тарихда мавжуд бўлган бир қанча ижобий тажрибаларни амалдаги қонунчиликка жорий этиш имконига ҳам эга бўламиз.

Файласуф Лихтенберг: “Бировни қоралашдан олдин уни оқлаш имкони бор-йўқлигини ўйлаш керак”¹, деган эди. Дарҳақиқат, ушбу фикр жуда тўғри бўлиб, унга амал қилиш ҳозир суд-тергов соҳасида учраётган кўплаб муаммоларнинг ечими бўлиши мумкин.

1959 йил 21 майда қабул қилиниб, 1960 йил 1 январдан кучга кирган Ўзбекистон ССРнинг янги таҳрирдаги ЖПК қабул қилинди. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатни ўранар эканмиз, унда ҳимоя ҳуқуқига доир бир қатор ижобий ва салбий жиҳатлар борлигига гувоҳ бўламиз.

Салбий томонлари:

- 1) ишда иштирок этишига монелик қиладиган ҳолатлар судья, прокурор, терговчи учун мавжуд бўлган ҳолда, ҳимоячи учун мавжуд бўлмаган (15-модда);
- 2) айбланувчига дастлабки тергов яқунланганлиги эълон қилинган вақтдан бошлаб, у ҳимоячи хизматидан фойдаланиши мумкин бўлган. Лекин,

¹ Ҳақиқат манзаралари. 100 мумтоз файласуф / Тақдирлар, ҳикматлар, афоризмлар / Тўпловчи ва таржимон Саида Жўраева. — Т., 2013. — Б. 335.

прокурорнинг қарори билан истисно тариқасида шахсга айблов эълон қилинаётган вақтдан бошлаб ҳимоячи олиши рухсат этилган (42-модда);

3) қисман реабилитация қилиши асослари белгиланмаган (47¹-модда);

4) агар оғир жиноят содир этган шахснинг яқин қариндошлари ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилади деб ўйлаш учун асослар бўлса, унинг қамоққа олинганлиги тўғрисида яқин қариндошига хабар берилмаган (413-модда).

Ижобий томонлари:

1) илк бора жиноят процесси принциплари, жумладан ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш принципи ҳам ЖПКда акс этди (13-модда). 1926 ва 1929 йиллардаги Ўзбекистон ССР ЖПКда бундай принциплар мавжуд бўлмаган. Лекин бунда шуни инобатга олиш лозимки, жиноят процесси иштирокчиси сифатида фақат айбланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш лозимлиги белгиланди;

2) агар гувоҳнинг кўрсатувлари, бошқа шахснинг берган хабарига асосланган бўлса, ана шу шахс ҳам гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши керак бўлган (53-модда);

3) гумон қилинувчи, айбланувчи ва уларнинг ҳимоячиси, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари гувоҳни сўроқ қилиш, экспертиза тайинлаш, бошқа далилларни тўплаш ва ишга қўшиб қўйиш ёки дастлабки терговга доир бошқа масалалар бўйича илтимоснома берадиган бўлса, терговчи мазкур илтимосномани 3 сутка ичида кўриб чиқиши керак бўлган. Терговчи, илтимоснома берган шахслар аниқламоқчи бўлган ҳолатлар жиноят иши учун аҳамиятли бўлса, уни қаноатлантириши шарт эди. Агар терговчи берилган илтимосномаларни қаноатлантиришни рад этадиган бўлса, мазкур рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда қарор чиқариши ва бу ҳақида илтимоснома берган шахсни хабардор этиши лозим бўлган (115-модда).

Тарихдаги мазкур тажрибани амалдаги ЖПКга жорий этиш ўзининг ижобий самарасини бериши мумкин. Чунки, ҳозирги қонунчилигимиз

бўйича жиноят процессида ўз манфаатларини химоя қиладиган шахслар. химоячилар ва вакиллар томонидан берилган илтимосномаларини кўриб чиқишнинг аниқ тартиб ва муддати белгиланмаган. Фақат, томонлар дастлабки тергов якунида жиноят иши материаллари билан танишиб чиққандан сўнг, берадиган илтимосномаларини кўриб чиқишнинг процессуал тартиби мавжуд. Маълумки, химоячига ЖПКнинг 53 ҳамда 87-моддалари бўйича далил тўплаш ҳукуқи берилган бўлсада, амалда у бундай имкониятга эга эмас. Шунинг учун ҳам химоячининг ишга тааллуқли ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш, давлат органларига ва бошқа органларга, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сўров юбориш ҳамда улардан маълумотномалар, тавсифномалар, тушунтиришлар ва бошқа ҳужжатларни олиш орқали тўплаган маълумотлари, қачонки сўроқ ёки бошқа тергов ҳаракатлари орқали ўз тасдиғини топсагина далилий аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Бунинг учун химоячи, терговчига маълум тергов ҳаракатини ўтказиш бўйича илтимоснома орқали мурожаат қилиши лозим бўлади. Лекин, терговчи хоҳласа бу илтимосномани кўриб чиқади, хоҳласа кўриб чиқмайди. Чунки, амалдаги ЖПКда терговчи томонлар берган илтимосномани қанча муддат давомида кўриб чиқиши лозимлиги, унинг натижаси бўйича қандай қарорлар қабул қилиниши шартлиги, агар илтимоснома берган шахс терговчи томонидан чиқариладиган қарорга норози бўлса, кимга, қанча муддатда шикоят бериши кераклиги ҳақида аниқ қоидалар мавжуд эмас. Мазкур салбий ҳолат томонлар берган илтимосномалар ўз ҳолига ташлаб қўйилишига, ортиқча сарсонгарчиликларга, исботланиши лозим бўлган ҳолатларнинг айрим масалаларига етарли эътибор қаратилмаслигига олиб келмоқда. Энг асосийси, қонун чиқарувчи томонидан гумон қилинувчи, айбланувчи ва уларнинг химоячиларига тақдим этилган илтимоснома бериш ҳукуқи амалда тўлиқ ва етарли даражада ишлашига катта тўсиқ бўлиб хизмат қилмоқда. К. Ишнйазов фуқароларнинг қонуний манфаатларини ишончли химоя қилиш

учун қуйидаги таклифни илгари суради: “дастлабки тергов босқичида ҳимоячининг берган илтимоснома ва аризасини қаноатлантириш ёки рад этиш тўғрисидаги қарор чиқариш мажбуриятини терговчига юклаш лозим. Шунингдек, мазкур қарорни эълон қилишнинг аниқ муддати тўғрисидаги қоидаларни ЖПКга киритиш зарур. Терговчи илтимоснома бўйича чиқарган қароридан нусха олиш учун уни айбланувчи ҳамда унинг ҳимоячисига тақдим этиши, сўнгра мазкур ҳолат уларнинг имзолари билан тасдиқланиши керак”²;

4) терговчи гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳни сўроқ қилиш жараёнида овоз ёзишдан фойдаланиши мумкин эди. Бу ҳақида сўроқ қилинувчи огоҳлантирилиши керак бўлган. Овоз ёзувида сўроқ баённомасига киритилиши керак бўлган барча ҳолатлар ва сўроқ жараёни тўлиқ акс этган. Сўроқнинг бир қисмини овозли ёзишга, шунингдек, сўроқ пайтида берилган кўрсатувларни овоз ёзиб олиш учун махсус такрорлашга йўл қўйилмасди. Сўроқ тугаганидан кейин овоз ёзишнинг барчаси сўроқ қилинувчига қўйиб берилган. Овоз ёзиш сўроқ қилинаётган шахснинг унинг тўғрилигини тасдиқловчи баёноти билан яқунланган. Овоз ёзувидан фойдаланган ҳолда сўроқ пайтида олинган кўрсатувлар ушбу Кодекс қоидаларига мувофиқ сўроқ баённомасида қайд етилган (117¹-модда).

Мазкур қоидадан кўриш мумкинки, терговчи сўроқ тергов ҳаракатини овоз ёзиш қурилмаларидан фойдаланган ҳолда олиб борадиган бўлса бу ҳақида сўроқ қилинувчини огоҳлантириши лозимлиги, нима мумкину, нима мумкин эмаслигининг аниқ тартибга солинган. Лекин, бизнинг амалдаги ЖПКда бунга ўхшаш қоидалар мавжуд эмас. Мисол учун, 2020 йил 14 майда Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига жиноят процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ–617-сонли Қонуни билан амалдаги ЖПКнинг 91-моддаси видеоёзувга олиниши мажбурий

²*Ишнйазов.К.* Организационно-правовые основы участие защитника в стадии дознание и предварительного следствия: Дис... на соискание ученой степени канд. юрид. наук. – Тошкент, 2006. – С.59.

бўлган процессуал ҳаракатлар рўйхати билан тўлдирилди. Мазкур қўшимча киритилишидан мақсад қонуннинг номи кўрсатиб турганидек жиноят процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни кучайтириш ҳисобланади. Аммо видеога олиш қайси вақтдан бошлаб, қачонгача давом этиши кераклиги, унда нималар акс этиши шарт, нималар мумкин, нималар мумкин эмаслиги, қисқача қилиб айтадиган бўлсак унинг аниқ тартиби қонунчилигимизда белгиланмаган. Бу эса мазкур масалага ҳал хил ёндашиш имконини туғдирмоқда. Тўғри, процессуал ҳаракатларни амалга оширишда, уни олиб бораётган мансабдор шахс имкон қадар эркин бўлиши керак. Лекин, шахс ҳуқуқлари энг кўп бузилиш эҳтимоли мавжуд бўлган ушбу процессуал ҳаракатларда видеога олишнинг аниқ тартибини белгиламасдан туриб, қонун чиқарувчининг юқорида кўрсатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилишдан кўзланган мақсадига тўлиқ эришиб бўлмайди;

5) холис титув, олиб қўйиш, кўздан кечириш, таниб олиш учун кўрсатиш, эксперимент, мулкни инвентаризация қилиш процессуал ҳаракатларида иштирок этиши мажбурий бўлган (119-модда).

Мазкур ўринда холисларнинг қандай процессуал ҳаракатларда иштирок этиши лозимлиги келтирилган. Бизнинг амалдаги ЖПКнинг 73-моддасида эса қуйидаги қоида мавжуддир: “Холислар суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан тергов ёки бошқа ҳаракатлар ўтказилганини, уни ўтказиш жараёни ва натижаларини тасдиқлаш учун ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда чақирилади”. Кўриб турганимиздек мазкур ўринда қандай ҳаракатларда холислар иштирок этиши кераклиги тўғрисида эмас, балки кимлар томонидан холислар чақирилиши мумкинлиги ҳақида аниқ қоидалар мавжуд. Бу эса аксар ўринларда тушунмовчиликларни келтириб чиқармоқда. Мисол учун, ҳодиса содир бўлган кўздан кечириш (136, 137, 329-моддалар), шахсий тинтув ва олиб қўйиш (162, 329-моддалар) сингари тергов ҳаракатларида холис иштирок этиши шартлиги ҳақидаги қоида мавжуд. Жиноят ишини кўзғатишдан олдин мазкур тергов

ҳаракатларини суриштирувчи, терговчи, прокурор билан биргаликда терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси ҳам мустақил ўткази олади. Лекин, бу нарса амалдаги ЖПКнинг 73-моддасида инобатга олинмаган. Назаримизда ушбу ҳар хилликни бартараф этиш учун, холис жалб этиши мумкин бўлган шахслар сирасига терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахсини киритиш керак ёки бўлмаса 1959 йилги ЖПКнинг 119-моддасида кўрсатилгани сингари фақатгина холис иштирок этиши шарт бўлган процессуал ҳаракатларни қонунчиликда ажратиб кўрсатишнинг ўзи кифоя;

б) қочиб кетиш ҳолатларидан ташқари айбланувчига айб қарори чиқарилганидан сўнг икки сутка ичида эълон қилиниши лозим бўлган (126-модда);

7) 16 ёшга тўлмаган айбланувчини сўроқ қилишга унинг ота-онаси, қонуний вакили орқали чақирилган (132-модда);

8) суриштирувчи, терговчининг ҳаракатлари устидан шикоят бериш тартиби янада такомиллашган. Мисол учун, шикоят ва у бўйича қабул қилинган прокурорнинг қарори натижаси тўғрисидаги хабарнома нусхаси жинойт иши материалларига қўшиб қўйилиши лозим бўлган. Дастлабки терговни ёки алоҳида тергов ҳаракатини ўтказиётган прокурорнинг ҳаракатлари устидан шикоят юқори турувчи прокурорга берилган (195-модда).

1978 йилги Ўзбекистон ССР Конституциясининг 169-моддасида ҳимояланиш ҳуқуқига доир қоида ўз аксини топди. Унга кўра: “Айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади”³. Конституциянинг мазкур нормаси айбланувчининг суриштирув, дастлабки тергов босқичида ҳимоячига эга бўлиш ҳуқуқига дахлдор эмас эди. Чунки, мазкур вақтда 1958 йилги ЖПК амалда кучда бўлиб, унда юқорида айтиб ўтганимиздек фақатгина истисно тариқасида прокурорнинг рухсати билан шахсга айблов

³ <https://nodussr.ru/konstituciya-uzbekskoj-ssr>
www.tadqiqotlar.uz

эълон қилинганда ҳимоячига эга бўлишга рухсат этилган. Бошқа ҳолатда ҳимоячи дастлабки тергов тамомланган жиноят ишига кирган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг биринчилардан бўлиб 1994 йил 22 сентябрда жиноят-процессуал муносабатларни тартибга солувчи демократик ва инсонпарвар ғояларни ўзида мужассам этган янги кодексни қабул қилди ва у 1995 йил 1 апрелдан кучга киритилди⁴. 1996 йил 27 декабрь куни “Адвокатура тўғрисида”ги, 1998 йил декабрда “Адвокатура фаолияти кафолатлари ва адвокатнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди.

ЖПК нормаларига дастлаб англо-саксон ҳуқуқ оиласида пайдо бўлиб, сўнгра халқаро стандартга айланган “Хабеас корпус” институти қоидалари жорий этилди. 2008 йилда қамоққа олиш⁵, 2012 йилда лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш процессуал мажбурлов чораларини қўллашга рухсат бериш ваколати прокурордан судга ўтказилгани бунга мисол бўла олади⁶.

2008 йил 1 май куни мамлакат Президентнинг “Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш тўғрисида”ги ПФ-3993-сон фармони⁷, сўнгра унинг ижросини таъминлашга қаратилган бир қанча ҳукумат қарорлари, адлия вазирининг буйруқлари қабул қилинди⁸.

⁴ Саҳабдинов С.М. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Умумий қисм (илмий-амалий шарҳ) / Масъул муҳаррир профессор Б. Х. Пўлатов. — Т.: Янги аср авлоди, 2014. — Б. 19.

⁵ “Habeas corpus” — Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларининг ишончли кафолати // URL: https://www.norma.uz/uz/bizning_sharhlar/habeas_corpus_uzbekistonda_inson_huquqlarining_ishonchli_kafolati (мурожаат вақти: 05.07.2022).

⁶ Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (2012 йил 18 сентябрь, ЎРҚ-335-сон) // URL: <https://lex.uz/docs/2053999?ONDATE=19.09.2012%2000#2054227> (мурожаат вақти: 20.08.2022).

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентнинг фармони. Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш тўғрисида (2008 йил 1 май, ПФ-3993-сон) // URL: <https://lex.uz/docs/1347565> (мурожаат вақти: 05.07.2022).

⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасини ташкил қилиш тўғрисида (2008 йил 27 май, 112-сон) // URL: <https://www.lex.uz/ru/docs/1359515>. (мурожаат вақти: 23.06.2022); Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Адвокатлар томонидан кўрсатилган юридик хизмат ҳақини давлат ҳисобидан тўлаш механизмининг такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида (2008 йил 20 июнь, 137-сон) // URL: <https://www.lex.uz/docs/1363850>. (мурожаат вақти: 23.06.2022).
www.tadqiqotlar.uz

Шахсни ушлаб туришни, шунингдек гумон қилинувчи, айбланувчининг ҳуқуқларини тартибга солувчи ЖПК моддаларига “Миранда қоида”лари татбиқ этилди. Мисол учун, Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги (2008 йил 31 декабрь, ЎРҚ-198-сон) қонуни чиққач гумон қилинувчи, айбланувчи ўзига қўйилган айблов юзасидан ҳамда ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари бўйича кўрсатувлар бериш ёхуд кўрсатувлар беришдан бош тортиш ва кўрсатувларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиш ҳуқуқига эга бўлди⁹. Лекин, шуни ҳам инобатга олиш лозимки, тарихда ва ҳозир ҳам кўплаб ривожланган давлатларда амал қилаётган “Миранда қоидалари” қонунчилигимизга тўлиқ татбиқ этилмади. “Миранда қоидалари” деганда жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органларининг мансабдор шахслари ушланган шахсга қуйидаги сўзларни айтиши тушунилади: “Сиз сукут сақлаш ҳуқуқига эгасиз. Айтганларингизнинг ҳаммаси судда ўзингизга қарши қўлланиши, сўроқ жараёнида адвокатингиз иштирок этиши мумкин. Адвокат ёллашга имконингиз бўлмаса, давлат томонидан ҳимоячи билан таъминланасиз. Ҳуқуқларингизни тушундингизми?”¹⁰.

“2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги (2017 йил 7 февраль, 4947-сон) Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонининг 2.6-бандида амалиётга томонларининг тортишуви ва тенг ҳуқуқлик принципларини ҳар томонлама татбиқ этиш, “хабеас корпус” институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш, тергов устидан суд назоратини

⁹ Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (2008 йил 31 декабрь, ЎРҚ-198-сон) // URL: <https://lex.uz/docs/1419978> (мурожаат вақти: 23.06.2022).

¹⁰ “Миранда қоидаси” бу ҳақда нима биламиз? // URL: https://minjust.uz/uz/library/human_rights/72852/ (мурожаат вақти: 23.06.2022).
www.tadqiqotlar.uz

кучайтириш лозимлиги кўрсатилди”¹¹.

“2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги (2022 йил 28 январь, 60-сон) Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонининг 17-мақсадида тезкор-қидирув ва тергов фаолияти устидан назоратни кучайтириш, фуқароларнинг қадр-қиммати ва эркинлигини самарали ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш лозимлиги белгиланди¹².

Ўрганишлар бизга тарихда юртимиз ва хорижий давлатлар ҳудудида мавжуд бўлган ҳамда ҳозирги вақтда қўлланса, ижобий натижа берадиган тажрибалар мавжудлигини кўрсатди. Юқорида ҳам айтганимиздек, видеоёзувга олиш ҳамда томонлар берган илтимосномани кўриб чиқишнинг аниқ тартиби белгиланганлиги шулар жумласидандир. Биз мазкур ижобий тажрибаларни амалдаги қонунчилигимизга жорий этиш орқали нафақат шахс ҳуқуқларини янада самарали ҳимоя қилишга, балки ишни судга қадар юритиш босқичида томонларнинг тортишувига ҳам маълум даражада эришамиз.

¹¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида (2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон) // URL: <https://lex.uz/docs/3107036> (мурожаат вақти: 20.07.2022).

¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. 2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида (2022 йил 28 январь, ПФ-60-сон) // URL: <https://lex.uz/docs/5841063> (мурожаат вақти: 23.06.2022).
www.tadqiqotlar.uz